

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда она юртимиз, Ўзбекистонимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳаларда катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётганини, диёримизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётини, фойз ва кут-баракани халқимиз авваламбор Яратганимизнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва розилик билан қабул қилмоқда.

Эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга мансуб олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2017 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 27 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуруний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида муҳассас бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, тотув ва баҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган савобли амаллар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу кутлуг ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 19 май

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгашининг "Адолат – қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида барча шаҳар ва туман кенгашларида тузилган ишчи гуруҳ аъзолари маҳаллаларда аҳоли билан мулоқотлар ўтказиб, уларнинг яшаш тарзлари билан танишмоқдалар, муаммоларини ҳал этишга қўмаклашмоқдалар.

«ИШЧИ ГУРУҲ» ИШЛАСА ЯХШИ

Юқори Чирчиқ тумани кенгашининг туман депутатлари, "Ёш адолатчилар" ва "Аёллар қаноти" раисларидан иборат ишчи гуруҳи "Сирғали" маҳалласи аҳолиси билан ўтказган юзма-юз мулоқотда фуқаролар ичимлик суви танқислиги муаммоларини кўтаришди. Ушбу ҳолат ўрганилиб, туман "Сувоқова" давлат унитар корхонасида депутатлик сўрови киритилганидан сўнг 2 кунда носоз насос ўрнига янгиси ўрнатилиб, аҳоли тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди.

"Наврўз" маҳалласи аҳолиси ҳам ичимлик суви таъминотидаги узил-пишлардан норозилик билдиришди. Ишчи гуруҳ аъзолари муаммонинг сабабларини ўрганиб, қувурлар яроқсиз ҳолатга келганини аниқлашди. Туман ҳокимлигига депутатлик сўрови киритилган, ичимлик суви тармоғининг 2 километрли қисми қазилиб, янги қувурлар ўрнатилди. Бекобод тумани кенга-

ши аъзолари "Истиқлол", "Гулистон" каби маҳаллалар аҳолиси билан суҳбатда бўлишди. Фуқаролар туманда болалар учун фанлар бўйича ихтисослаштирилган мактаб ташкил қилиш таклифини киритишди. Ишчи гуруҳ таклифни ўринли ҳисоблаб, туман ҳокимлигига депутатлик сўрови йўллади. Ташаббус ва таклиф туман ҳокимлиги томонидан қувватланиб, режага киритилди ва ихтисослаштирилган мактаб "Бўстон" маҳалласида ташкил этиладиган бўлди.

Шунингдек, Зафар шаҳарчаси, Мустақиллик кўчасида яшовчи фуқаролар пидедалар йўлагининг носозлигидан шикоят қилишган эди. Туман ободонлаштириш бўлимига киритилган депутатлик сўрови тез фурсатда ечим топди. Пидедалар йўлагининг 500 метр қисмига асфальт ётқизилди. Ҳозир қолган қисмида ҳам таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

– Партия лойиҳаси

Фестиваль

Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида ёшларни маънавӣ етук, жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш ва бу борадаги саъй-ҳаракатларни изчил ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланган.



ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Зеро, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда дунё миқёсида мафқуравий, ғоявий ахборот соҳасида одамлар онги ва қалбини эгаллашга уринишлар кучайиб бораётгани сир эмас. Шунинг учун ҳам, ёшларимизни турли мафқуравий ҳужумлардан ҳимоя қилиш, уларда ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш зарур. Шу маънода республика Маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими ташаббуси билан шаҳар ва туманларда ўтказилган "Юксак маънавиятли авлод" фестивали иқтидорли ёшларимизнинг изланишу интилишларини қўллаб-қувватлаш, маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Танловнинг ҳудудий босқичларида 5 мингга яқин ёшлар иштирок этиб, улардан 300 нафари вилоят босқичига йўлланма олди.

"Дўрмон" маданият саройида ўтказилган фестивални вилоят ҳокими ўрин-

босари Баҳодир Аҳмедов кириш сўзи билан очар экан, изланувчан, интилувчан, билимдон ёшлар мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги, таянчи эканини, озод Ватанимиз, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етадиган муносиб авлодлар билан элу юртимиз ҳамиша фахрланишини таъкидлаб, барча иштирокчиларга омад тилади.

Ҳақиқатан ҳам, фестивалнинг "Бадиий ижод", "Биринчи Президент асарлари билимдони", "Энг янги тарихий билимдони", "Энг иқтидорли хунарманд", "Ўз асарида миллийликни акс эттирган расм", "Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайнер", "Ватан куйчиси" ҳамда "Замонавий илм-фан" каби саккиз номинация бўйича қатнашган ёшларнинг иқтидорли томошабинлар, ҳакамлар ҳайъати эътирофи ва олқишига сазовор бўлди. Улар орасидан ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Аслида ҳам деярли ҳаммалари ғолибликка муносиб. Лекин танлов қоида-қўра, энг билимдон, энг иқтидорли иштирокчиларгина фестивалнинг республика босқичига тавсия этилди.

– Танловда иштирок этиб,



Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

ТАРОЗИНИНГ ТОШИ ТАЙЁР

Мамлакатимизда пиллачиликнинг озуқа базасини янада кенгайтириш, ипак қўрти парвариши ва пилла етиштириш жараёнларини узлуксиз тақомиллаштириш, пилла, хом ипак, ипак калава ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта ишлашнинг самарали усулларини кенг жорий

этиш, ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Зеро, пиллачилик қишлоқ хўжалигининг ипакчилик саноати учун хом ашё етказиб берадиган асосий тармоқларидан биридир.

Пилла – 2017

Вилоятимизда ҳам ипак қўрти парвариши, бошқача айтганда, тирик пилла етиштиришни кўпайтириш ҳамда туздорларни кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий

йил бошида бўлиб ўтган йиғилишида пиллачилик соҳаси раванқига оид берилган аниқ кўрсатма ва топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимининг "2017 йил пилла етиштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш, пилла-

чиликнинг озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, бу борадаги ишлар янада жадаллашди.

Давоми 2-бетда. ➡

Давоми 2-бетда. ➡

ВАКИЛЛАРИМИЗ ЮҚОРИ МАРРАЛАР УЧУН КУРАШАДИ

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида Жиззахда ўтказилган "Баркамол авлод – 2017" спорт мусобақалари финал босқичида Тошкент вилояти шарафини 47 нафар спортчи ҳимоя қилади.



"Баркамол авлод – 2017" ўйинлари спортнинг ўн етти тури – енгил атлетика, бадий гимнастика, футбол, баскетбол, гандбол, волейбол, эркин ва юнорум курашлари, сузиш, бокс, оғир атлетика, дзюдо, стол тенниси, теннис, бадминтон, шахмат ва таэквондо (WTF) бўйича ўтказилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари, қолаверса, келажагимиз эгалари – навқирон авлодини ҳар то-

монлама баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Истиқлол йилларида спорт ва таълим-тарбия соҳасининг бир-бирига уйғун тарзда ривожлантирилиши натижасида ёшлар жисмонан соғлом, руҳан тетик, интеллектуал салоҳиятли бўлиб вояга етмоқда.

Бу жараёнда таълим соҳасидаги узлуксиз ўқ босқичли спорт тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари ёшларнинг

барча қатламини оммавий спортга жалб қилишнинг энг қулай усули, соғлом авлод тарбиясининг муҳим мезонига айланган ўтган йиллар мобайнида ўз тасдиғини топди.

Мутахассислар томонидан юқори самарали педагогик технология сифатида эътироф этилган мазкур тизимнинг ўрта бўлини – "Баркамол авлод" спорт мусобақалари ўз олдида маҳоратли спортчи бўлиш мақсадини қўйган истеъдодли йигит-қизларни катта спортга йўналтиришда ўзига хос мактаб ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётди. Айниқса, мусобақалар Олимпиада дастуридаги спорт турлари бўйича ўтказилаётгани мамлакатимиз олимпия захираларини истеъдодли атлетлар билан бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анъанага қўра, навқирон авлоднинг дўстлик, ёшлик ва бирдамлик байрамига айланган ушбу оммавий спорт анжуманида кўп босқичли саралаш беллашувларидан муваффақиятли ўтган энг кучли, тезкор, чаққон ва маҳоратли спортчи ёшлар иштирок этади.

"Баркамол авлод – 2017" спорт ўйинлари республика босқичида қатнашиш учун Тошкент вилоятидаги мавжуд академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида энг муносиблари саралаб олинди. Айни пайтда, вилоятимизда мавжуд 129 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 132 та спорт зали, тўртта бассейнда ўқувчилар ўзлари истаган спорт турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Давоми 4-бетда. ➡

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Президентнинг Виртуал қабулхонасига Чиноз тумани аҳолисидан тушган ўттизга яқин мурожаатлар мутасадди раҳбарларнинг сайёр қабуллари жараёнида атрофлича муҳокама қилиниб, барчасига адолатли ва қонуний ечим топишга ҳаракат қилинди.

Мурожаатдан сўнг...

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, мурожаатларнинг аксарияти аҳоли уйлари ёнидан ўтган канализация қувурлари эскириб, чириб, сув оқиб ётиши оқибатида антисанитария ҳолатлари юзага келаётгани, ички кўчалар таъмирталаб бўлиб, қишда лой, ёзда чанг-тўзондан юриш қийинлиги, табиий газ ва ичимлик суви ҳамда болалар боғчаси йўқлиги ҳақида бўлди.

– Уйимизнинг ёнгинасидан кўп қаватли биноларнинг канализация қувурлари ўтган, – деди Янгиобод кўчаси, 21-уйда яшовчи Жаҳонгир Холмуродов. – Ҳар мавсум кунлар исиши билан эскириб кетган қувурлар ёригидан сизиб чиқаётган ифлос сувнинг хидига чидаб бўлмай қолади. Йигирма йиллардан бери аҳвол шу. Аввал маҳалла фуқаролари йиғини, кейин туман ҳокимлигига қилган мурожаатларимиз натижа бермади. Энди канализациядан чиқаётган сувни уйимизнинг деворларига ҳам таъсир қила бошлади.

– Бизда ҳам аҳвол шундай, – дейди "Бунёдкор" маҳалласилик Ирина Темехникова. – Канализациядан чиқаётган бадбўй хид сабаб турли касалликларнинг келиб чиқиш хавфи кучаймоқда.

– Менинг уйимда 18 йил сув бўлмади, – дейди Олмасор шаҳарчаси, Ойбек кўчаси, 6-уйда яшовчи М. Ҳақимов. – Хайрият, 2017 йил январдан сув беришди. Аммо, "Сувоқова" корхонаси ходими келиб, 18 йил учун зиммамизга 280 минг қарз юклади ва сувни яна узиб қўйишди. Айтишларича, агар қарзни тўламасақ сув беришмасмиш. Ажабо, 18 йил давомида сувдан фойдаланмаган бўлсам, қарз қаердан пайдо бўлди?

– Бизда аҳвол бунданда ёмон, – дейди Олимхўжаев кўчаси, 7-уйда яшовчи Лилия Таюпова. – Бу ҳақда олдин ҳам мурожаат қилган эдик, жавоб эса қониқарли бўлмади.

манзил: Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, М. Таробий кўси, 31-уй. Тел.: 254-69-Хизматлар лицензияланган.

Лицензия: RR-0148.

ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДАН МАКТАБ КУТУБХОНАСИГА

Бугун юртимизда китоб мутолааси, китобхонлик маданияти, тарғиботи борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Эзгулик



маърифий тадбирлар, учрашувлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Қувонарлиси, ҳамюртларимиз орасида китобхонлик маданияти амалга оширилмоқда.

Паркент туманидаги 46-умумтаълим мактабидан ана шундай китобхонлик акцияси ташкил этилди. Таъдбирга йилгилан мактаб ўқитувчилари, ўқувчиларининг юзларида табассум, кайфиятлари кўтаринди. Чунки, мактаб жамоасига Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг "Ижод" фонди томонидан 280 дона энг сара бадий адабиётлар тўплами тақдим этилди.

— Китоб азал-азалдан илм-маърифат, одоб-ахлоқ манбаи бўлиб келган, — дейди мактаб директори Мурод Мирганиев. — Бугун мактабимиз кутубхонасига тақдим этилган бу ноб, дурдона асарларни кўз қорачиғидек асраймиз, ўқиб, ўрганиб, маънавиятимизни бойитамиз ва, албатта, ушбу хайрли иш бошида турганларга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Китоб акциясида сўз олган Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир давлатимиз раҳбарининг китоб тарғиботи борасидаги ғамхўрликларини тўғайли юртимизда китобхонлик маданияти кун сайин ошиб бораётгани ҳақида тўхталар экан, келгусида ҳам "Ижод" фонди томонидан чоп этилаётган китоблар ушбу мактабга мунтазам, бепул етказиб турилишини таъкидлади. Айниқса, Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси вилоти-мизнинг Паркент туманидаги 46-мактабни оталиққа олгани ҳақидаги хабар барчани қувонтириб юборди.

Дилфуза МИРОБИДОВА,
Паркент тумани.

ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ қилиб тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш муҳим мезон сифатида белгиланган.

Саломатлик

Бундай хайрли ва тизимли чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилишида давлат тузилмалари қатори жамоат ташкилотлари, хусусан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда фонднинг вилот ҳудудий филиали томонидан аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялашдек муҳим вазифаларга қаратилган кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Буни жойларда амалга оширилаётган ишлар мисолида яққол кўриш мумкин.

— Ушбу муҳим ҳужжатлар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган манзилли чора-тадбирларга мувофиқ, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар этиб вояга етказиш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди фонднинг вилот бўлими

раиси Муҳаббат Йўлдошева. — Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фонднинг вилот филиали кўча тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси томонидан турли оммавий-маърифий, тиббий-тарғибот ва хайр-саховат тадбирлари ташкил этилиб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантириш бўйича тегишли тавсиялар берилди. Бундан ташқари, фонд ташаббуси билан Бўстонлик, Бўка, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ ва

Оҳангарон туманларидаги 45 та қишлоқ врачлик пункти, 113 та маҳалла аҳолиси, шунингдек, 17 та умумтаълим мактаби, 7 та касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, "Мурувват" ҳамда "Саховат" уйларидаги 7 минг 657 нафар аҳоли қураштираётган тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 4 мингдан ортигини оналар, ўсмир қизлар, 1,5 минг нафарини болалар ташкил этгани эътиборга лойиқ. Ушбу жараёнда даволаниши зарур бўлган беморларга вилот ва

республика марказий шифоналарига бепул йўлланмалар берилди.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида гап борар экан, филиал томонидан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва кекса ногиронларга берилаётган эътибор тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Масалан, 7 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси берилди, эҳтиёжманд фуқароларга дори-дармон, санитария-гигиеник воситалар, кийим-кечаклар ажратилди. Фонд томонидан турма юрак нуқсонли бўлган 35 нафар фуқаро, юқори лаб ва танглай нуқсонли билан мурожаат этган 2 нафар бола рўйхатга олиниб, навбати билан тегишли

муассасаларда даволаш ишлари олиб боришда кўмак берилмоқда.

Айни кунларда ҳам фонд филиалининг замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббий-ижтимоий кўча бригадаси шифокорлари "Аҳоли саломатлиги йўлида" шiori остида ўтказилаётган тадбирда фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан жойларда оналар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш билан бирга аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотларида "Қўшимча овқатланиш талаблари", "Фарзандим саломат бўлсин десангиз", "Гўдак учун бебаҳо неъмат", "Эрта никоҳ қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида биласизми?" сингари мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, семинар ва акциялар ташкил этилаётди.

Бундай хайрли ишлардан кўзланган ягона мақсад аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, маълуматимизда ҳар томонлама соғлом ёшларни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

СПОРТГА БОҒЛАНГАН ТАҚДИР

Таърибли мураббий узок йиллардан буён истеъдодли спортчилар авлодини тайёрлаш йўлида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг шоғирдлари орасида Сервер Жепаров, Александр Гейнрих, Игорь Таран ва Илс Зейтуллаев каби чарм тўп усталари ўзбек футбол муҳлислари қалбидан жой олган. Бундан ташқари, вилот футболни кўлаб-қувватлаш жамиятининг ижрочи директори Равшан Мусулмонов, кўп йиллар давомида миллий чемпионатимизда қанот ҳаками вазифасини бажарган Олег Тошмухамедов ҳам Тоир аканинг шоғирдлари ҳисобланади.

Шуниси эътиборлики, Тоир Тошмухамедов ўзбек футбол ҳакамлари орасида биринчилардан бўлиб ФИФА рефериси унвонини олган. Кўп йиллар давомида халқаро майдондаги ўйинларни юқори савияда бошқарган.

— Моҳир ташкилотчи ҳамда ўзига ва ҳамкасбларига нисбатан талабчан инсон сифатида у кишидан кўп нарса ўрганса бўлади, — дейди вилот футбол федерацияси биринчи вице-президенти Шамил Яфаров. — Тоир Тошмухамедов ўз мактабини яратган ва соҳа ривожига катта ҳисса

Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежидан вилот иктисолаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, собиқ ФИФА ҳаками Тоир Тошмухамедовнинг соҳадаги кўп йиллик самарали меҳнати рағбатлантиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Эҳтиром



қўшган спорт фидойиси сифатида ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, спорт соҳасидаги фаолият давомида Тоир ака жуда кўплаб маҳоратли футболчилар тайёрлади. Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ шоғирдлари Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий ва биринчи лигаларида тўп сурмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида унинг сабъ-ҳаракатлари билан спорт мактабининг 100 га яқин ёшлари республика биринчиликлари ва халқаро турнирларда совриндорлар қаторидан жой олди.

— Тақдиримни айнан спорт билан боғлаганим

— менинг бахтим, — дейди Тоир Тошмухамедов. — Ҳакам сифатида миллий чемпионат ҳамда ОФК тасарруфидagi учрашувларни бошқардим. Назаримда, инсон касбини севса, ўз устиди тинимсиз изланса, ўрганса ва астойдил меҳнат қилса барча мақсадига етади. Шу кунги устознинг яқин дўстлари ва шоғирдлари ўртасида ўзига хос футбол шоуси ҳам ташкил этилди.

Тадбирда вилот ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.

— Дуненинг ишлари галатидан, ука. Тасодифан битта столда ўтириб қолиб, мана, тузуқкина танишволдик.

— Ўзи қарликсиз, ака? — Эшонгузарда тураман. — Йе! Балки почмани танирсиз?

— Опанг Эшонгузарга тушганми? — Йўқ, синглим. Оти Холиниса.

— Холиниса дедингми? Тўхта, тўхта, ҳалиги ҳиндуҷамол келин сени синглинг бўлмасин тагин? Қошлари туташ. Ўртасида офатихон хол. Топдимми? — Ҳмм...

Митти ҳажв

ПОЧЧАМТА
САЛОМ АЙТИНГ

— Юзлари лўппигина... Бодом-қовок...
— Ҳа энди...
— Калтабақай. Сочлари тақими-ни ўпиб туради. Кўзлари шахло. Топдимми?
— Шу гапларни менга гапиришингизни қаранг...
— Мўдалар уйида ишлайдими ахир?

— Худди ўша! Биларкан-сиз-ку!
— Нега билмайин? У ҳар кун ишга келаётиб ҳам, қайтаётиб ҳам дўконимнинг ёнидан оқушдек сузиб ўтади. Мана бундай, мана бундай қилиб...

— Э, ўтиринг, ака. Ўтирсангиз-чи. Ҳаммага томоша бўлаяпсиз... Хуллас, поччамни учратиб қолсангиз, унга мендан салом айтиб қўйинг. Бўптими?
— Ҳей, қизиқ йигит экансан-ку. Поччанни умримда кўрмаган бўлсам, қанақасига унга салом айтаман?

Анвар ОБИДЖОН.

Қадрли опа-сингиллар, азиз ёшлар!

Тошкент вилоти ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси қошида муаммолари мавжуд, қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшлар учун «ИЖТИМОЙ МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ» (АНОНИМ)

иш бошлаганини маълум қиламиз.

Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маънавий кўлаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳавфли бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлашга қўмаклашиш Марказнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Марказда ҳар кун (якшанбадан ташқари) соат

9.00 дан 18.00 гача турмушнинг чигал ва муаммолари вазиятларига тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшларнинг мурожаат қилишлари учун "Ишонч телефони" ташкил этилган.

Мурожаат қилувчининг шахсий маълумотлари сир сақланиши қафолатланади.

Унутманг, Сиз ҳаминша эътибор ва ардоғимиздасиз!

"Ижтимоий маслаҳат маркази"нинг

Ишонч телефони: 232-80-75.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ЮҚОРИ МАРРАЛАР УЧУН КУРАШАДИ


Бугунги кунда вилотимиз бўйича таълим муассасаларида ташкил этилган 842 та спорт секцияларига 30 минг нафарга яқин ўғил-қизлар жалб қилинган. Ушбу спорт тўғрисидаги 558 таси қишлоқ жойларда фаолият юритмоқда.

Ана шундай замонавий шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда ўз имкониятларини намоён қилаётган вилотимиз атлетлари жаҳон, қитъа ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Хусусан, май ойининг бошида Тошкент шаҳрида ўтказилган бокс бўйича Осиё чемпионатида Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежи тарбияланувчиси — Элнур Абдураимов, Исроил Мадримов, Баҳодир Жалолов ва Муроджон Аҳмадалиев чем-

пионлик унвонини қўлга киритди.

— Уч босқичли спорт ўйинлари ёш спортчиларнинг катта спортга қадам қўйишида ўзига хос таъриба ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади, — дейди Осиё чемпиони Исроил Мадримов. — Мен 2016 йили Фарғонадаги Универсиадада голиб бўлганман. Бугунги кунда жаҳон майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларнинг аксарияти "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақаларида етишиб чиққан истеъдод соҳибларидир.

Жиззахда бўладиган "Баркамол авлод - 2017" спорт ўйинларининг Тошкент вилоти бўйича саралаш баҳсларида жами ўттиз минг нафардан зиёд спортчи-ўқувчи қатнашди. Саралаш мусобақаларида



ўз маҳорати ва истеъдодини намоён қилиш 190 нафар спортчи махсус мураббийлар кенгаши томонидан Тошкент вилоти терма жамоасига номзод сифатида саралаб олинди. Ташкил этилган ўқув-машгулот йиғинлари жараёнида улар орасидан энг кучлилари Жиззахга борадиган бўлди.

"Баркамол авлод - 2017"

спорт ўйинларида вилотимиз шарафини ҳимоя қилидиган 47 нафар спортчи орасида мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ўз истеъдодини маҳорати билан намоён этиб келаётган ёшлар ҳам бор. Хусусан, оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон ҳамда Осиё чемпиони Адҳамжон Эргашев, рес-

публика чемпионатлари, халқаро турнирлар голиб ва совриндорлари — енгил атлетикачи Александр Юркевская, таэквондоччи (WTF) Чарос Каюмова, стол тенниси усталари — Ангелина Скиданова, Станислав Тянь ва Комила Холликова ўз спорт турлари бўйича мамлакатимиз терма жамоалари аъзоси ҳисобланади.

— Ўзбекистон ёшлари халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишни ўзига энг юксак шараф, деб билади, — дейди оғир атлетикачи Адҳамжон Эргашев. — Жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилганининг самарасидир. Жиззахда бўладиган "Баркамол авлод - 2017" спорт ўйинла-



ри ҳам Ўзбекистон олимпия захиралари учун истеъдодли спортчиларни кашф этиб беради.

Дарҳақиқат, спорт — ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намоён этиш, гурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситаси. Шундай экан, Жиззахда бўладиган йирик спорт анжуманида яқин келажакда халқаро майдонларда юртимиз байрогини баланд кўтарадиган энг истеъдодли ёш спортчиларимиз маҳоратини намоён қилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,

"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЎҚУВЧИЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Оққўрғон ижтимоий иктисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида профилактика кунини муносабати билан "Хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда ИИБ ходимлари, "Қўш-тамғали" маҳалласи фаоллари ва коллеж жамоаси қатнашди.

Бизга ёздиқлар

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, эрта никоҳ ва туғруқнинг олдини олиш масалалари бўйича маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар ёшлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлиги тўғрисида гапириб ўтишди. Шунингдек, ҳозирда диний экстремизм ва терроризм каби салбий оқимларга ёшларимиз билиб-билмай аралашиб қолаётганини, бунга турли ижтимоий тармоқлар, интернетдан бесамар фойдаланиш ҳам сабаб бўлаётгани хусусида фикрлар билдирилди. Ушбу мавзуларга бағишланган махсус видеороликлар ҳам намоён этилди.

Тадбир сўнггида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга етарлича жавоб олишди.

Зафар ЭШТОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилоти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маълумият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@umail.uz	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шартнома ва эълонлар: Хисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва Т. МАҲМУДУЖАЕВ томонидан саҳифаланди.	Масъул котиб Бехзод ҚОБУЛОВ Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ Назоратчи мухассис Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
--	---	---	---	--	---	---